Компютерли МБ эса ўзида ахборотларни сақловчи файл (ёки ўзаро боъланган файллар тўплами) кўринишида бўлади.

МБ ёзувлардан ташкил топади. Хар бир ёзув бир нусхада ахборотни ўзида сақлайди. Масалан, “Ўзбекистоннинг обидалари” МБ нинг хар бир ёзуви фақат биттадан обида тўғрисида тўлиқ Махлумотни сақлайди.

МБ ни қоёозда жадвал кўринишида тақдим қилиш қулай. Жадвалнинг хар бир сатри ёзув бўлиб, жадвал катаклари эса майдондир. Шунинг учун жадвал устунининг сарлавхаси – майдон номи, сатр рақами эса – ёзув номери бўлади.

Компютердаги МБ ҳам одатда экранга жадвал кўринишида чиқарилади.

Delphiда МБ модели

Хар бир жадвал алохида файлда сақланади. Лекин, МБ билан жадвални бир нарса деб караш мумкин эмас, чунки, кўп холларда битта ёзувнинг майдони бир нечта жадвалларга тақсимланган бўлиб, турли файлларда жойлашади.

Оддий холатларда МБ билан ишловчи дастурлар учун ахборот манбаи бўлиб барча жадваллар хизмат қилади. Лекин, фойдаланувчини МБ даги барча Махлумотлар қизиқтирмайди, балки, уларнинг қайсидир бир қисмигина керак бўлади холос. У фақат сўровига мос тушган ёзувларнигина танлайди ва кўриб чиқади. Шунинг учун барча Махлумотларни ўзида мужассамлаштирган МБ моделида “сўров” тушунчаси киритилган бўлиб, у МБ ёзувларини танлаш имконини яратади.

МБ ни яратиш

МБ – Махлумотлар жойлашган файллар (жадваллар) тўпламидир. Қоидага кўра, МБ битта каталогда жойлашган бир нечта жадваллардан ташкил топади. МБ учун каталог оддий усул билан, масалан, проводник ёрдамида яратилади. Жадвални эса Delphi таркибига кирувчи Борланд DataBase Desktop утилити ёки СҚЛ-сўровлар ёрдамида яратиш мумкин.

Шундай қилиб, МБ ни яратиш жараёнини қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Каталог яратиш
2. Тахаллус яратиш.
3. Жадвал яратиш.


Каталог яратиш

МБ файллари учун каталог (папка) оддий усул билан, масалан Проводник ёрдамида яратилади. Одатда локал МБ нинг файллари МБ билан ишловчи дастур каталоги ичида, алохида каталогда жойлашади.

Тахаллус (псевдоним) яратиш

МБ тахаллуси Delphiнинг БДЭ Администратор утилити ёрдамида яратилади. Утилитни ишга тушириш учун Пуск | Программқ | Борланд Delphi БДЭ Администратор буйруёини танлаш керак.


БДЭ Администратор ишга юклангандан сўнгги ойна кўриниши 1.6.1-расмда берилган.



1.6.1-расм. БДЭ Администратор ойнаси


Ойнанинг чап қисмининг **DataBase** бўлимида ушбу компьютерда рўйхатга олинган барча тахаллуслар келтирилган. Янги тахаллусни яратиш учун **Объект** менюсидан **New** буйруви танланади. Очилган **New DataBase Алиас** (МБ нинг янги тахаллуси) ойнасидаги **DataBase Драйвер Наме** рўйхатидан яратилувчи МБ учун драйверни, яъни МБ нинг типини танлаш керак (1.6.2-расм).

Тахаллусни яратиш вақтида, одатда **СТАНДАРД** (дефолт драйвер) драйвери таклиф қилинади, бу эса **Парадох** форматидаги жадваллардан фойдаланиш имконини беради.



1.6.2-расм. New Database Alias мулоқот ойнаси

Драйверни танлаб, Ок тугмасини босгандан кейин тахаллуслар рўйхатига янги элемент қўшилади (1.6.3-расм).




1.6.3-расм. Янги тахаллусни рўйхатга олиш

Шундан сўнг автоматик тарзда яратилган тахаллус номини ўзгартириб тахаллуси яратилаётган МБ файлларига йўлни кўцатиш керак.

Тахаллуснинг номини Windows даги оддий усул билан ўзгартириш мумкин: тахаллус номи усида сичқончанинг ўнг тугмаси босилади, ҳосил бўлган менюдан **Ренаме** (қайта номлаш) буйруви танланади ва ошилган ойнага янги ном киритилади. МБ файлларига йўл кўрсатиш учун **Дефиницион** бўлимининг **Патх** майдонида клавиатура ёки **Селест** ойнасидан фойдаланиб тўлиқ йўл киритилади.

1.6.4-расмда **БДЭ Администратор** ойнасининг “Ўзбекистоннинг тарихий обидалари” МБ си учун Обида тахаллуси яратилгандан кейинги ҳолати тасвирланган.

Яратилган тахаллус конфигурация файли (Идапи.сфг) да рўйхатга олиниши учун **Обжест** менюсидан **Апплй** (тасдиқлаш) буйрувини танлаш керак. Ҳосил бўлган **Сонфирм** ойнасида конфигурация файлига ўзгаришларни сақлаш кераклигини тасдиқлаш лозим.



1.6.4-расм. Тахаллусни яратиш натижаси

Жадвалларни яратиш

МБ ни яратиш вақтида асосий жараён – бу Махлумотларни ёзувлар майдони бўйича тақсимлашдир. Маолумки, Махлумотлар майдонлар бўйича турлича тақсимланиши мумкин.

Ёзувлар майдони аниқлангандан сўнг майдонларни жадваллар ёйиш керак. Оддий МБ ларда барча майдонлар битта жадвалда жойлашади. Мураккаб МБ ларда эса майдонлар бир нечта жадвалларга тақсимланади, жадваллараро боълиқликни таоминловчи бир қатор қўшимча Махлумотлар киритилади.

МБ ёзувларининг структураси аниқланганидан сўнг бевосита жадвалларни яратишга киришиш мумкин. Жадваллар Delphiнинг **DataBase Desktop** утилити ёрдамида яратилади.

DataBase Desktop утилити МБ билан ишлашнинг барча имкониятларини бера олади. Унинг ёрдамида турли форматдаги (Парадох, дБасе, МС Ассесс) МБ ларни яратиш, кўриш ва модификациялашни таоминлайди. Бундан ташқари, сўровлар яратиш йўли билан Махлумотларни танлашни амалга ошириш имкониятини беради.

Янги жадвал яратиш учун Тоолс менюсидан **DataBase Desktop** буйруъини танлаб, **DataBase Desktop** ни ишга юклаш керак. Ҳосил бўлган **DataBase Desktop** ойнасининг **Филе** менюсидан New буйруъи танланади ва очилган рўйхатдан яратилувчи файл – **Табле** нинг типи кўрсатилади. **Среате Табле** ойнасидан яратилувчи жадвалнинг типи танланади.

Натижада **Среате Парадох 7 Табле** ойнаси очилади, бунда жадвал ёзувларининг структурасини аниқлаш мумкин.

Жадвалнинг хар бир майдонига ном, тип, керак бўлса майдоннинг ўлчамини бериш керак. Майдон номи Махлумотга мурожаат қилиш учун фойдаланилади. Майдон номи **Фиелд Наме** устунида берилади ва лотин алифбоси ҳамда рақамлар кетма-кетлиги ёрдамида 25 тадан ошмаган холда берилади.

Майдон типи майдонга жойлаштирилувчи Махлумотнинг типига қараб аниқланади. Майдон типи **Типе** устунида белгили константа билан берилади. Майдон типлари ва уларга мос константалар 17.1-жадвалда берилган.

1.6.1-жадвал. Майдон типлари ва уларга мос константалар

Тип	Константа	Майдон қабул қилувчи қиймат
Алпха	А	Белгилар сатри. Сатрнинг узунлиги Сизе билан аниқланади, 1-255 ораликда ётади.
Нумбер	Н	10^{-307} - 10^{308} ораликда ётувчи сон
Моней	\$	Пул форматидаги сон. Пул бирлиги белгиси чиқиб туради.
Шорт	С	-32768 – 32767 ораликдаги бутун сон
Лонг Интегер	И	-2147483948 – 2147483647 ораликдаги бутун сон.
Дате	Д	Сана
Тиме	Т	Вақт
Тиме стамп	@	Вақт ва сана
Мемо	М	Чекланмаган узунликдаги белгилар сатри. Мемо типдаги майдон матнли Махлумотларни сақлаш учун фойдаланилади. Майдон ўлчами белгиларни қанчаси жадвалда сақланишини аниқлайди. Қолган белгилар эса жадвал файлининг номи билан мос келувчи ҳамда кенгайтмаси *.мб бўлган файлда сақланади.
Форматтед Мемо	Ф	Чекланмаган узунликдаги белгилар сатри (Мемо га ўхшаш). Шрифт типи ва ўлчамини, ҳамда белгиларни расмийлаштириш услуби ва рангини кўрсатиш имкониятига эга
Грапхис	Г	Графика
Логисал	Л	“Рост” (Труе) ёки “Ёльон” (Фалсе) мантиқий қийматлар
Ауто-инсремент	+	Бутун сон. Жадвалга навбатдаги ёзув қўйилганда майдондаги сон аввалгисидан бир бирликка катталашади.
Бйтес	Й	Иккилик Махлумотлар. Бундай типдаги майдон DataBase Desktop интерпретация қила олмайдиган Махлумотларни сақлайди.
Бинарй	В	Иккилик Махлумотлар. Бу майдондаги Махлумотлар Мемо сингари жадвалда жойлашмайди. Одатда бундай типли майдонлар аудио Махлумотларни сақлайди.

Майдон типини белгиловчи константа клавиатура ёрдамида киритиш ёки Типе устунда сичқончанинг ўнг тугмасини босиш билан ҳосил бўлувчи рўйхат ёрдамида киритилиши мумкин.

Бир ёки бир нечта майдонларни калит майдон сифатида белгилаш мумкин. Калит майдон жадвалдаги ёзувларнинг мантиқий тартибини белгилайди. Масалан, белгили (Алпха типи) Фам (Фамилия) майдонини калит сифатида белгиланса, у холда жадвалга киритилаётган ёзувлар фамилия бўйича алфавит тартибида тартибланади. Агар Фам майдонини калит сифатида белгиланмаса, у холда ёзувлар қандай киритилган бўлса шу тартибда жадвалда жойлашади. Эҳтибор бериш керакки, жадвалда бир хил калитга эга бўлган иккита ёзув бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун қаралаётган мисолда калит майдон Фам (Фамилия) ва Наме (Исм) бўлиши керак.

Шуни айтиб ўтиш лозимки Delphiда МБ яратиш улкан имкониятларга эга бўлиб уларнинг ҳаммаси ҳақида айтиб ўтишни иложи йўқ.


1.7. «Архив» маълумотлар базасини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш.



«Архив» маълумотлар базасини яратиш технологиясини ишлаб чиқида архивдаги маълумотларни автоматлаштиришга алоҳида эҳтибор бериш керак. Яхни керак бўлган маълумотни тез қидириб топиб, фойдаланувчига тўлалигича етказиб бериш керак бўлади. Бунинг учун ахборот, дастурий ва техник ресурслар мажмуидан оқилона фойдаланиш лозим.

«Архив» маълумотлар базасини яратишнинг ташкил қилиниши шуни назарда тутадикки, ахборотларни жамлаш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича асосий операциялар ҳисоблаш техникасининг зиммасига юкланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу «Архив База» дастурий тахминот технологиясини яратамиз.

Бу дастурий тахминот ёрдамида маълумотларни базага киритиб бўлингандан сўнг керакли маълумотларни қидириб топиш, ҳисобот тайёрлаш имкониятлари мавжуд бўлади.

«Архив» маълумотлар базасини яратиш технологияси 1.7.1 – расмда келтирилган.





Бу ерда рўйхатга олиш бўлимида “Архив” ҳақидаги керакли махлумотлар, масалан архивдаги шахс хужжатларини Фιο, Республикаси, миллати, турар жойи, махлумоти, ишлаш жойи ҳақида, ва оилавий аҳволи каби махлумотлари киритилиши керак. Дастурнинг бошқа бўлимлари ҳам шу тариқа иш вазифаларини бажариши керак.

Юқорида ишлаб чиқилган технологияга асосан «Архив» махлумотлар базаси дастур тахминотини яратамиз.

1.8. Дастурдан фойдаланиш йўриқномаси

Ушбу Корхона ҳужжат алмашинув тизими учун «Архив» маълумотлар базасини яратиш мавзусидаги битирув малакавий ишида Delphi дастурлаш тили ёрдамида дастур яратилди. Дастур жуда ҳам қулай интерфейсга эга бўлиб, «Архив База» номи билан номланади ва қуйидаги вазифаларни бажарилиши тахминланди:

Дастур тўртта формадан ташкил топган бўлиб, дастурни ишга туширганда ойнада Титул вароғи очилади ва асосий ойнага ўтиш учун кириш тугмаси босилади:



1.8.1-расм. Титул вароғи.



1.8.2-расм. Асосий ойна.

Бу ерда рўйхатга олиш яхни махлумотлар базасига янги чиқиб кетган ишчини қўшади ҳамда жами махлумотлар киритилгандан сўнг киритиш деб номланган тугма босилади ва у ишчи хақидаги барча махлумотлар базага ёзилади ва сақланади.

Familiya: Solilev		Kiritish	
Ism: Abror		Ulish>>	
Sharif: Avbduholiqovich			
To'g'ilgan joyi:	O'quv yurti haqida:	Ishi haqida:	Oilaviy ahvoli:
Respublikasi: O'zbekiston	Ma'lumoti: Oliy	Ishgakirgan Yili: 3 yanvara 1986 g.	Oilaviy Ahvoli: Uylangan
Viloyati: Namangan	O'quv yurti nomi: NSTI	Lavozimi: Muhandis	Bolalar Soni: 4
Telefoni: 2560245	O'qishga kirgan yili: 2 sentyabrya 1981 g.	Oylik Maoshi: 356578	Pasport Ser: CH1944512
Shahri: Namangan	O'qishni tugatgan yili: 14 sentyabrya 1986 g.	Ishdan ketgan vaqti: 10 iunya 2010 g.	Jinsi: <input checked="" type="radio"/> Erkak <input type="radio"/> Ayol
Tug'ilgan Yili: 6 aprelya 1960 g.	Mutahasisligi: Quruvchi muhandis	Sababi: Boshqa ishga o'tganligi sababli	
Turari Joyi: Do'stlik shox ko'chasi 12 uy	Millati: O'zbek		

1.8.3.-расм. «Архив База» дастурини ишчи ойнаси.

Киритилган маълумотларни ўзгартириш ёки ўчиришга тўри келса қўйидаги ўзгартириш тугмаси босилади ва натижада қўйидаги ойна ҳосил бўлади. Тахрирлаш ишлари амалга оширилгандан кейин сақлаш тугмаси босилади.

The screenshot shows a web application window titled "Uzgartirish" with a user profile for "SollevAbrorAvbduholiqovich". The form contains the following fields:

Ma'lumoti:	<input type="text" value="Diy"/>	IshdanKetVaqt:	<input type="text" value="10 июня 2010 г."/>		
O.O.'Yu.nomi:	<input type="text" value="NSTI"/>	Manzili:	<input type="text" value="Namangan sh. Do'atlik s"/>	PasportSeryasi:	<input type="text" value="CH1944512"/>
O'qishgaKirganVaqti:	<input type="text" value="2 сентябрь 1981 г."/>	Respublika:	<input type="text" value="O'zbekiston"/>	OilaviyAholi:	<input type="text" value="Uylangan"/>
O'qishniTugatganVaqti:	<input type="text" value="14 сентябрь 1986 г."/>	Viloyati:	<input type="text" value="Namangan"/>	BolalarSoni:	<input type="text" value="4"/>
Mulaxasisligi:	<input type="text" value="Quruvchi muhandis"/>	Rayon:	<input type="text"/>	Tug'ilganYili:	<input type="text" value="6 апреля 1960 г."/>
IshgaKirVaqti:	<input type="text" value="3 январь 1986 г."/>	Shahar:	<input type="text" value="Namangan"/>		
Lavozimi:	<input type="text" value="Muhandis"/>	UyTel:	<input type="text" value="2560245"/>		
Sababi:	<input type="text" value="Boshqa ishga o'tganligi sababli"/>	Familyasi:	<input type="text" value="Sollev"/>		
		Ismi:	<input type="text" value="Abror"/>		
		Sharifi:	<input type="text" value="Avbduholiqovich"/>		

Buttons:

1.8.4.-расм. «Архив База» дастурини тахрирлаш ойнаси.

«Архив База» дастуридан маълумотлар қидириладиган бўлса, «Қидир» тугмаси босилади ва сўров ойнасига керакли маълумотлар киритилади. Дастурнинг яна бир энгиллиги шундаки фойдаланувчи агарда қидириш керак бўлган кишини тўлиқ ФИО ни билмаса «соммобох» дан топиши мумкин унда киритилган барча ишчилар рўйхати чиқиб туради.

Бу ерда Мисрасофт Ассесс дан фойдаланилган. У маълумотлар базаси бўлиб, дастурга киритилган барча маълумотлар ана шу ерда сақланади. Маълумотлар базаси жадвал кўринишида бўлиб, устун ва қаторлардан иборат ҳамда у ерда ячейкалар ҳам мавжуд, ячейкалар ичида эса маълумотлар сақланади.

Ma'lumotlar bazasidan qidirish

Familiya Ism Sharifi

F.I.SH: Jinsi: Millati:

Barcha ma'lumot

Respublikasi:	Viloyati:	Shahri:	TurakJoyi:	Tug'ilganYili:	Telefoni:
<input type="text" value="O'zbekiston"/>	<input type="text" value="Buhoro"/>	<input type="text" value="Jondor"/>	<input type="text" value="Chilonzor"/>	<input type="text" value="2 may 1978 r."/>	<input type="text" value="3681100"/>
O.D.:Yurti:	O'qishgaKirYili:	TugatganYili:	Ma'lumoti:	Mutahasisligi:	OilaviyAhvoli:
<input type="text" value="Barovskiy"/>	<input type="text" value="2 may 1991 r."/>	<input type="text" value="2 may 1996 r."/>	<input type="text" value="O'ita"/>	<input type="text" value="Shifokor"/>	<input type="text" value="uylangan"/>
IshgakiYili:	Lavozimi:	OylikMaoshi:	ChiqYili:	PasportSer:	IshdanKetishSababi:
<input type="text" value="2 may 1997 r."/>	<input type="text" value="Shifokor yordamchisi"/>	<input type="text" value="100000"/>	<input type="text" value="2 may 2007 r."/>	<input type="text" value="CB2929292"/>	<input type="text" value="Boshqa ishga o'tganligi"/>

	Kod	Familiyasi	Ismi	Sharifi	TugYili	Telefoni	IshgakiYili	ChiqYili	Sababi
▶	4	Egamov	Bahrom	Alijevich	2 may 1978 r.	3681100	2 may 1997 r.	2 may 2007 r.	Boshqa ishga o't
	5	Egamberdiyev	Iltom	Samatovich	11 may 1945 r.	4456883	11 may 2007 r.	11 may 1998 r.	Mazzasi qochib r
*									

1.8.5.-rasm. «Архив База» дастуридан маълумотларни қидириш ойналари.

II. МЕТОДИК ҚИСМ

2.1. Янги педагогик технологияларнинг классификацияси.

Истиклол барча соҳаларда бўлгани каби олий тахлими соҳасида ҳам катта ўзгаришлар ясади, буюк бурилишлар қилди.

Олий тахлим мазмунини сифатли такомиллаштиришни педагогикада бугунги кунда янги йўналиш - педагогик инновациясиз амалга ошириш мумкин эмас. Олий тахлимни инновацион жараёнларнинг хусусиятлари, янгиликларини тадбиқ этиш, ўқитувчиларнинг касбий салоҳиятлари, хусусиятлари билан белгиланади.

Олий тахлимда педагогик инновациялар педагогик технологиялар билан узвий боғлиқ бўлади. Тахлим мазмунини янада ривожлантириш олий тахлим ўқув жараёнида педагогик технология муаммоларни қўйиш ва ҳис этишни талаб этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, педагогик технологиялар қўйидагича классификацияланиди:

1. Қўлланилиш даражасига кўра:

- умум педагогик;
- хусусий методик (предметлар);
- локал (модули);

2. Фалсафий асосига кўра:

- материалистик;
- идеалистик;
- даелитик ва метофизик;
- илмий ва диний;
- гуманистик ва антигуманистик;
- эркин тарбия ва мажбурий ва ҳо казо;

3. Психик ривожланишнинг этакчи омили бўйича:

- боген;
- социоген;
- психоген;
- идеалистик технологиялар.

Махлумки шахс биоген, социоген, психоген, факторлар тўплами тахсирида шаклланади, бироқ аниқ технология улардан бирини олиши мумкин:

4. Тажрибани ўзлаштириш илмий консенсацияси бўйича :

- ассоциатив реффлектори;
- ривожланувчи;

5. Шахсий хусусиятларга йўналтирилган:

- ахборот технологиялари (билим, ўқув, малакаларни шакллантириш)

6. Ақлий фаолият операциялари:

- руҳий – бадий, - руҳий – ахлоқий;
- ўз-ўзини ривожлантириш технологияси;
- эвристик (ижодий қобилиятларни ривожлантириш) ва амалий;

7. Мазмун ва структурасига кўра:

- ўргатувчи ва тарбияловчи;

- дунёвий ва диний;
- умумтаҳлим ва касбий таҳлимга йўналтириш;
- ижтимоий;
- турли тармоқли;
- хусусий предметли;
- политехнологиялар, монотеналогиялар;
- кириб борувчи технологиялар;

8. Билиш фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш турига кўра:

Буни В.П.Бесплго ишлаб чиққан.

- ўқитувчининг ўқувчи билан ўзаро алоқаси ёпиқ бўлмаслиги (назорат қилинмайдиган ва тузатиш киритилмайдиган)
- циклик (назорат, ўз-ўзини назорат ва ўзаро назорат, автоматлаштирилган ўқув воситалари ёрдамида);
- вербаль

Буларнинг бирикмасидан қуйидаги технология келиб чиқади:

1. Классик махруза ёрдамида .
2. Авдиовизуаль техник воситалар ёрдамида ўқитиш.
3. “Консультант” тизими.
4. “Ўқув китоблари” ёрдамида ўқитиш.
5. “Кичик гуруҳлар ” тизими.
6. Компьютерли ўқитиш.
7. “Репетитор” тизими.
8. “Дастурли” ўқитиш.

Амалиётда юқоридаги монодидактик тизимларнинг комбинацияларидан фойдаланилади. уларнинг энг кўп тарқалгани қуйидагилар:

- Я.А. Коменскийнинг анханавий синф-дарс системаси. Бунга кўра, мавзу махруза услубида баён қилинади ва китоб билан мустақил ишланади.(дидахография дейилади).
- Замонавий – анханавий ўқитиш (техник воситалар билан бирга дидахографиядан фойдаланилади).
- Ўқитишнинг гуруҳли ва дифференцияланган усуллари (педагог бутун гуруҳ билан ахборот алмашиши мумкин, шу билан бирга бахзи ўқувчиларга репетитор сифатида вақт ажратади).

Педагогик теналогияда ўқувчининг ўқув жараёнида тутган ўрнини ва педагогнинг ўқувчиларга нисбатан бўлган муносабати муҳим ўрин тутди. Бунда қуйидаги технологияларни ажратиш мумкин:

а) Авторитар технология. Бунда педагог ўқув тартибловчи жараёнининг асосий субхекти, ўқувчи эса, фақат абхект сифатида қатнашади. У ўқувчиларнинг эркинлигини бўғиши, мажбурий ўқитиш, ташаббусни бўғиш ва ўқув тарбиявий жараёнини (ЎТЖ) қаттиқ қўллик билан олиб боришга асосланади.

б) Дидактоцентрик технологиялар – ўқувчи шахсига эҳтибор бермаслик билан ажралиб туради. Бунда ҳам субхект-абхект муносабат

бўлиб, шахсни шакллантира олиш, дидактик воситаларидан иборат бўлади.

в) Шахсга йўналтирилган технологиялар – бунинг марказида ўқувчи шахси уни ривожлантириш учун, барча шароитларни яратиш, унинг тарбиявий салоҳиятини намоён қилишга ёрдам бериш ётади. Бунда ўқувчи шахси фақатгина субъект бўлмай, приоритетга эга бўлган субъект бўлади. Бунда у тахлимий тизимнинг мақсадига айланади. Бундай технологиялар “антропойентрик технологиялар” дейилади.

Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган технологиялар антропоцентрик, гуманистик ва психотерапевтик, ҳар томонлама эркин, ижоддий ривожланган шахсни тарбиялашдан иборат.

г) Инсонпарвар шахсий технологиялар – инсонпарварлик моҳияти билан ажралиб туради, унга ёрдам беради, қўллаб-қувватлайди. Ўқувчининг кучига ҳурмат, ундаги қобилиятларни очилишига ёрдам бериш ва мажбурий тахлим тарбияни рад этади.

д) Ҳамкорлик технологиялар – у демократизм, тенглик, ғояларини илгари суради ва ўқитувчи ўқувчи муносабатларида субъект – субъектга асосланади. Ўқитувчи ва ўқувчи тахлим тарбия мақсади мазмунини ишлаб чиқади. Ҳамжихатлик билан ўз фаолиятларига баҳо қўяди.

е) Эркин тарбия технологияси – бунда ўқувчига барча йўналишлар бўйича эркин танлаш ҳуқуқи берилади. Танлаш давомида ўқувчи субъект нуқтавий назаридан намоён қилади ва натижага ташқи тахсирдан эмас, балки ички куч воситасида эргашади.

ж) Эзотерик технология – булар эзотерик (“англанмаган, билиб туриб”) билимларга – ҳақиқат ва унга олиб боровчи йўлларга асосланади. Бунда педагогик жараён хабар бериш, мулоқот қилишдан иборат бўлмай, балки, ҳақиқатга пайванд бўлиш билан иборат бўлади. Экзотик парадигмада инсонинг ўзи коинот билан ўзаро ахборот алмашиш марказига айланади.

Ўрганувчилар тоифаларига кўра педагогик технологиялар қуйидагиларга бўлинади:

- **Оилавий (анханавий) технология** – у ўртача ўқувчига асосланган.
- **Технологии проведнута уровня** (предметларни чуқурлаштириб ўқитиш) – гимназия, лицей, махсус тахлим.
- **Турли хилдаги бититималогик** – (сурда педагогика, тепло, олигофрено педагогика).
- **Қийин ва иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга мўлжалланган технологиялар.**

Мажуд бўлган ўқитиш тизимларини модернизация қилиш ва модификация қилиш асосига қурилган технологиялар:

А) Педагогик муносабатларни инсонпарварлаштириш ва демократиялаштириш асосидаги педагогик технологиялар. Унга

Ш.А.Амомашвиллининг ҳамкорлик, инсонпарвар – шахсий технологияси киради.

Б) Ўқувчиларнинг фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлаштириш асосига қурилган педагогик технологиялари. Масалан, ўйинли технологиялар, Шаталовнинг “таянч с-№1 канспектори” асосида ўқитиш технологиялари.

В) Ўқитиш жараёнини ташкил қилиш ва бошқариш самарадорлигига асосланган педагогик технологиялар. Ўқитиш жараёнини самарадорлигини ташкил қилиш ва бошқаришга асосланган педагогик технологиялар

Масалан, дастурли ўқитиш, дифференциаллашган ўқитиш технологияси, индивидуаллаштирилган ўқитиш технологияси.

Ўқитишнинг гуруҳли ва жамоавий усуллари, компьютерли технологиялар.

Д) Алтернатив технологиялар :

Штайнернинг “Вальдров педагогикаси”, Фрейне “Эркин меҳнат технологияси”, Эҳтимолли таҳлим технологияси.

2.2. “Microsoft Accessда маълумотлар базасини яратиш” мавзусини янги педагогик технологиялар асосида ўргатиш бўйича амалий дарс сценарийсини ишлаб чиқиш.

Мавзу: Microsoft Accessда маълумотлар базасини яратиш

Режа:

1. МББТ MS ACCESS ва унинг ишчи дарчаси.
2. Жадвал тузиш.
3. Accessда ишлаш технологияси.
4. Запрос (сўров)лар ташкил қилиш.
5. Форма ташкил қилиш.
6. Ёзувлар ташкил қилиш.
7. Отчёт (ҳисоботларни) ташкил қилиш.

ДАРСНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Мавзу	маълумотлар базасини яратиш
Мақсад, вазифалар	<p>Мавзунинг мақсади Microsoft Accessда маълумотлар базаси яратишни ўрганишдан иборат бўлиб, МББТ Access нинг барча вазифалари ва имкониятларини ўрганиб уни ишлатиш технологияси билан танишиб чиқиш, ҳамда олиб бориладиган амалий машғулотларни шу МББТ да ташкил этишни тавсия қилиш. Бунинг учун аввало Microsoft Access бажарадиган вазифалари, унинг дарчаси ва иш юритувчи асосий объектлари билан яқиндан танишишдан иборат.</p> <p>Асосий вазифалари қуйидагиларни ёритишдан иборат:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. MS ACCESS ва унинг ишчи дарчаси. 2. Жадвал тузиш. 3. Accessда ишлаш технологияси. 4. Запрос (сўров)лар ташкил қилиш. 5. Форма ташкил қилиш. 6. Ёзувлар ташкил қилиш. 7. Отчёт (ҳисоботларни) ташкил қилиш.
Ўқув жараёнининг мазмуни	МББТ MS ACCESSда ишлашни ўргатиш, жадвал тузиш, запрослар, форма, ёзувлар ва отчётлар ташкил қилишдан иборат.
Ўқув жараёнини амалга ошириш технологияси	<p>Методи: бумеранг, блиц.</p> <p>Шакли: амалий.</p> <p>Воситаси: компьютер, слайдлар, таркатма материаллар.</p> <p>Усули: чизма, диаграмма, оғзаки топшириқлар.</p> <p>Назорат: тест, ёзма ва оғзаки савол-жавоб, суҳбат</p> <p>Баҳолаш: рейтинг тизимида.</p>

Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи Белгиланган вақтда жуда кўп ахборотларни беришга, иш жараёнида чарчамасдан дарсга ижодий ёндошишга эришади.	Талаба Мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, тегишли тахлилий усулларни ўрганишга муваффақ бўлади ва мустақил ишлашга тегишли топшириқлар олади.
Келгуси режалар (тахлил ўзгаришлар)	Интерактив усулларда дарс ўтишга кўникма ҳосил қилиб борилади.	Мустақил ишлаш жараёнида тегишли топшириқлар бажариш кўникмасини эгаллаб боради.

«Дарсда янги мавзуни ўрганиш» босқичлари

1. Янги мавзу ва унинг режаси берилади.
2. Адабиётлар рўйхати берилади.
3. Янги материални тушунтириш, унинг аҳамиятига қисқача тўхталиш.
4. Талабалар диққатини жалб этиш.
5. Муаммоли вазият ҳосил қилиш. Ушбу мавзу бўйича “Microsoft Ассесда маълумотлар базасини яратиш” да нималарни билиш керак, деган саволни қўйиш».
6. Янги мавзуни тушунтиришда ўқитувчининг жойи досканинг олдида талабаларга қараган ҳолда бўлиши лозим ва ўзини эркин тутиши керак.
7. Тушунтириш жараёнида ўқитувчи диққияси талабаларга мос бўлиши, керак жойда овозни кўтариш ва керак жойда алоҳида урғу бериш каби усуллардан фойдаланиши лозим. Тушунтириш тили равон ва соф адабий тилда бўлиши талаб этилади.
8. Янги мавзуни тушунтириш кетма-кетлиги намунавий ва ишчи дастурдаги талаблардан келиб чиқиб тузилган саволлар асосида амалга оширилади.
9. Тушунтириш жараёнида китоб ёки тарқатма материал билан ишлашга ҳам аҳамият берилади. Дарсликнинг имкон қадар дарсда бўлгани маҳкул.
10. Доскадан албатта фойдаланиш керак.
11. Тушунтирилаётган мавзуни умумлаштириш.

Тушунтириш жараёнида эҳтибор қилиниши лозим бўлган жихатлар:

12. Мавзуни ўтган мавзу билан боғлаш.
13. ТСОни ишлатиш.
14. Предметлараро алоқани тахминлаш.
15. Талабаларнинг ёзиши ва ўқишини ташкил этишга имконият яратиш.
16. Ўтилаётган мавзунинг тахсири ва ўрганилиш даражасини текшириш. Бунда талабаларга саволлар бериб бориш.

17. Қисқа муддатли савол-жавоблар ўтказиб бориш. Масалан, “Microsoft Ассесда маълумотлар базасини яратишда жадвал тузиш қандай амалга оширилиши мумкин?”. Сизлар қандай ўйлайсизлар? ва ҳ.к.
18. Дарсни зийраклик билан кузатиб бориш ва ундаги шовқинни босиш. Ҳар қандай ҳатти ҳаракатлар эҳтиборда бўлиш.
19. Талабалар жавобларига изоҳ бериш ёки тўлдириш, яхши жавобларни албатта рағбатлантириш.
20. Янги мавзуни мустақил ўрганиш ҳолатини ёки шароит яратилишини тахминлаш. Бу масалалар яна қайси адабиётларда ёритилганлигини таҳкидлаш, газета ва телевиденияларда рунлар, мавзуларнинг борлигини ҳам эслатиб ўтиш.

Мавзу: Microsoft Ассесда маълумотлар базасини яратиш

Ушбу мавзудан дарс ўтишда «Бумеранг» технологиясидан фойдаланилади. Бу метод куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

1. Мавзу бўйича тузилган режанинг жавоблари олдиндан тайёрланган бўлади ва шу материаллар гуруҳлардаги (мазкур мавзу бўйича 5 та гуруҳ тузилади) ҳар бир иштирокчига тарқатилади. Уларнинг ҳар бири маълум вақт давомида ўзларига тушган битта мавзуни алоҳида ўрганиб чиқади.

2. 5 та гуруҳлардаги талабалар тарқатилади ва янгидан яна 5 та гуруҳ ташкил қилинади. Кимнинг кимлар билан ўтириши, столнинг тартиб рақами ёзилган қоғозни ҳар бир талабанинг ўзи танлаши билан аниқланади.

3. Натижада олдинги гуруҳларда ўрганилган мавзунинг ҳаммаси, яхши 4 та савол бир жойга жамланади. Энди ҳар бир савол жамоа бўлиб ўрганилади. Чунки янгидан тузилган гуруҳда шу бешта саволнинг ҳаммаси мавжуд бўлади. Ҳар бир жамоанинг вакили ўзига тушган саволини гуруҳнинг бошқа ахзоларига тушунтириб беради.

4. Маълум вақтдан кейин гуруҳ ахзолари яна эски жойига қайтиб ўтиради. Энди қоғозлар, яхши тарқатма материаллар ҳаммасидан йиғиштириб олинади. Жамоа ахзоларининг қўлларидан ҳеч қандай материал қолмайди.

5. Жамоалардан сўраш бошланади. Бунда ҳар бир талаба балли:

-ҳар бир қўйилган саволга тўғри ва тўлиқ жавоб-3 балл.

-тўғри қўшимча қилганга-2 балл.

-реплика билан қўшимча қилганга-1 балл.

-шу савол бўйича ҳеч қандай ҳаракат қилмаганга -0 балл.

Гуруҳда бир киши, буни ўзлари танлайди, гуруҳдаги ҳар бир иштирокчи бўйича тўплаган балларни жамлаб, ҳисоблаб боради. Савол-жавоб тугагач умумий балл ҳисоблаб қўйилади. Ҳар бир гуруҳ етакчиси уни ёзма равишда (қанча балл тўпланганлигини эхлон қилмасдан) тренер-ўқитувчига топширади.

6. Энди ҳар бир гуруҳ, шу мавзудан биттадан савол тузади ва гуруҳлар диққатига кетма-кет равишда ҳавола қилади. Бу саволга қолган гуруҳлар жавоб беришлари лозим. Ким тўғри жавоб берса унга 3 балл. Қолган гуруҳларга 0 балл берилади. Агар бирорта ҳам гуруҳ жавоб бермаса, саволни тузган гуруҳ ўзлари яхшилаб жавоб берса шу 3 баллни ўзларига ёзиб

қўядилар. Бу бални гуруҳнинг олдинги умумий балига қўшиб қўйишади ва умумий балл бўйича гуруҳнинг билими баҳоланди.

7. Энди ушбу мавзу бўйича ҳар бир иштирокчи якка ҳолатда (индивидуал тарзда) баҳоланиши лозим. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига шу ўзлари ўрганаётган мавзудан ёзма саволлар берилади ва қоғозда жавобига жой қолдирилади. Шу жойга ҳар бир талаба ўзининг тўғри жавобини ёзишлари лозим. Сўнгра ушбу қоғозлар жавоблар билан йиғиштириб олинади.

8. Ҳар бир саволнинг тўғри жавоби ёзилган варақ ўқитувчи томонидан олдиндан тайёрланиб қўйилган бўлади. Энди ҳар бир иштирокчининг жавобларини талабаларнинг ўзлари текшириб, қанчаси тўғри ёки нотўғри эканлигини белгилаб беради. Текшириш жараёнида бир гуруҳнинг жавобларини бошқа гуруҳ талабалари текширади.

9. Ҳар бир талабанинг умумий балани шкалада кўрсатилган меҳзон асосида талабаларнинг ўзлари баҳолайди. Бу «Ахло», «Яхши», «Қониқарли» ва «Қониқарсиз», деб баҳоланади.


10. Дарс мустаҳкамланади ва умумлаштирилади. Унинг ютуқ ва камчиликлари таҳлил қилинади. Келгуси дарс учун тегишли топшириқ ва вазифалар шакллантирилади.

1. МББТ MS ACCESS ва унинг ишчи дарчаси.

МББТ Access нинг барча вазифалари ва имкониятларини ўрганиб уни ишлатиш технологияси билан танишиб чиқамиз, ҳамда олиб бориладиган амалий машғулотларни шу **МББТ** да ташкил этишни тавсия қиламиз. Бунинг учун аввало **Microsoft Access** бажарадиган вазифалари, унинг дарчаси ва иш юритувчи асосий объектлари билан яқиндан танишишга ўтамиз.

Microsoft Office таркибидаги **Microsoft Access** пиктограммаси устида «**сичқонча**» чап кнопкаси 2 марта боссак, экранда Access дарчаси пайдо бўлади (2.2.1-расм):

Дарчанинг биринчи сатрида **МББТ** номи **Microsoft Access** деб ифодаланган, 2-нчи сатрда эса тавсиянома бўлимлари:



2.2.1-расм. MS ACCESS ишчи дарчаси.

Файл Правка Вид Вставка Формат Записи Сервис Окно?

Учинчи сатрида **Стандарт** панели пиктограммалари жойлашган. Дарчанинг кенг қисми ишчи майдон ҳисобланади. Ишчи майдонда юқоридаги мулоқот дарчаси ҳосил бўлади. Бу дарча ёрдамида биз янги **МБ**ни ташкил қилишимиз ёки мавжуд **МБ**ни очиб улар устида ишлашимиз мумкин.

Ассесс 9х (умумлашган версияси) дарчаси **бта** объектидан иборат бўлиб, асосан шулар билан иш юритилади. Булар: **Таблица** (жадвал), **Запрос** (сўров), **Форма** (форма), **Отчет** (ҳисобот), **Макрос** (макро буйруқ) ва **Модул**.

Жадвал - **МБ**нинг махлумотлар сақлайдиган асосий объекти;

Сўров - **МБ** даги махлумотларни тартиблаш, бирор керакли махлумотни қидириб топиш каби вазифаларни бажаради.


Форма – **МБ**га янги махлумотлар киритади, ёки жорий **МБ**даги махлумотлар устида фойдаланувчи учун қулай бўлган турли-туман шаклдаги **формалар** яратади. Демак, **форма** – **экран объекти бўлиб, электрон бланк** тарзида ифодаланиб, унда махлумотлар киритиладиган майдон мавжуд ва шу майдонларга керакли махлумотлар жойлаштирилади ва жадвал шу тариқа ҳосил қилинади.

Ҳисобот - **МБ** таркибидаги махлумотлардан кераклисини принтерга чиқарувчи қоғоздаги асосий ҳужжат.

Модул - **Висуал Басис** дастурлаш мухитида ёзилган дастур бўлиб, ностандарт операцияларни фойдаланувчи томонидан бажарилишига имкон яратади.

Макробуйруқ - бир қатор буйруқлар мажмуи асосида ҳосил бўлган макробуйруқ бўлиб, фойдаланувчи томонидан жадвал тузишда жуда қийин ҳал қилинадиган жараёнларни ечади.

Санаб ўтилган объектлар устида ишлаш учун дарчанинг ўнг томонида **Откркть** (очиш), **Конструктор** ва **Создать** (яратиш) деган кнопкачалар жойлашган. Демак, бу кнопкалар **Ассесс** нинг ишлаш тартибини ифодалайди. **Откркть** кнопкаси босилса, жорий объект кўз олдимизда намоён бўлади. Агар бу объект **жадвал** бўлса, уни кўриб янги махлумотлар киритиш ёки аввалгисини ўзгартириш имконияти ҳосил бўлади (2.2.2-расм).



2.2.2-расм. MS ACCESS да жадваллар билан ишлаш.

Конструктор кнопкачаси босилса, у ҳолда объектнинг тузилмаси намоён бўлади. Агар объект **жадвал** бўлса, унга янги майдон киритиш ёки олиб ташлаш мумкин. Бордию **форма** бўлса, у ҳолда бошқариш элементларини ташкил этади. Аммо бу ҳол фойдаланувчилар учун эмас, балки **МБни** ташкил этувчиларга кўпроқ фойдали.

Создать кнопкаси босилса, у ҳолда янги объектлар тузиш, уни бошқариш лозим бўлади.


Хуллас, ана шу санаб ўтилган тартиб(ҳолат)лар асосида объектлар устида қуйидаги турда иш бажарилади:

- механик усул билан,
- автоматлаштирилган ҳолатда
- жадвал устаси (мастер) ёрдамида.

Шу тариқа юқоридаги қолган **6 та** режага ҳам жавоб берилади.

Мавзу бўйича талабаларнинг билиши лозим бўлган саволлар


Билиши лозим бўлган саволлар	Берилган саволларнинг мазмуни
1. МББТ билан ишлаганда компьютер экранига нималар чиқарилади?	
2. Алмашишиш буфери нима учун ишлатилади? в.х...	



2.2.3-расм. MS

ACCESS

да МБни яратишда билиш лозим бўлган манбалар.



4. Эгаллаган билимларни текшириш ва баҳолаш

Эгаллаган билимларни текшириш ва баҳолаш бўйича ўқитувчи-тренернинг амалга ошириши лозим бўлган жараёнлар

ТАРТИБИ

1. Талабалар билимини баҳолаш учун тайёрланган саволлар ҳамма талабаларга тарқатилади.
2. Уларга жавоб бериш учун (масалан, 2 минут) вақт берилади.
3. Берилган савол варақлари йиғиштириб олинади ва шу жараёнда талабалардан оғзаки ҳам сўралди ва фронтал сўров ўтказилади.
4. Ҳамма варақлар йиғиштириб олинган, жавоблар олдиндан ечиб қўйилган саволлар билан солиштирилиб уларнинг тўғрилиги текширилади.
5. Саволларга жавоблар йиғиштириб олингандан кейин, уларнинг тайёр жавоблари доскага илиниб қўйилади ёки саволларга жавоблар тайёр бўлгандан кейин, уларни йиғиштириб олмасдан олдин тайёр жавоблар

доскага илинади. Ҳар бир талаба ўзларининг билимларини ўзлари текшириб борадилар ва баҳолайдилар.

6. Саволларнинг натижаси баҳоланади. Баҳо беш баллик тизимда амалга оширилади:

-ҳар бир тўғри жавоб 0,33 баллни ташкил қилади;

-агар талаба 15 та саволдан 10 та саволга тўғри жавоб берган бўлса унинг баҳоси 3,3 ни ташкил қилади;

-баҳолашда рақамлар амалдаги тартиб бўйича яхлитланиб олинади. Масалан, 10 та тўғри жавоб топган талабанинг баҳоси 3 ни ташкил қилади.

-ўқитувчи талабалар жавобларига албатта муносабат билдиришлари лозим. Юқори баҳо олганларни рағбатлантириш ва кам баҳо олганларга танбеҳ бермасдан, уларни ўқишга дахват этиш;

7. Оғзаки ва ёзма саволларга жавоблар умумлаштирилади.

Талабалар билимини баҳолашда «Блиц-сўров» технологиясидан фойдаланиш.

Мавзу бўйича берилган саволлар

Саволлар	Жавоблар
1. МББТ билан ишлаганда компьютер экранига нималар чиқарилади?	Microsoft Access
2. Алмадиниш буфери нима учун ишлатилади? в.ҳ...	Жадваллар яратишда

Талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг усули

Ушбу берилган 15 та саволларнинг ҳаммаси рейтинг асосида 100 баллик тизимда баҳоланади. Талабанинг умумий тўплаган бали 15 га бўлинади ва ўртача балл аниқланади. Бу талабанинг шу мавзу бўйича эгаллаган бали ҳисобланади. Масалан, талаба шу 15 та савол бўйича 1275 балл тўплади. У ҳолда талабанинг ўртача тўплаган бали 85 ни ташкил қилади.

$$(1275/15=85)$$

Буни амалга ошириш технологиясида ҳам талаба, ҳам ўқитувчи иштирок этадилар. Ўқитувчи ўқув дастури асосида талабалар билиши лозим бўлган саволлар ва уларнинг жавобларини олдиндан ёзиб қўйган бўлади. Талабаларнинг ўзларини солиштириб кўрадилар ва бир-бирини ўзлари баҳолайдилар. Сўнгра ўқитувчи қўйилган балларни синчковлик билан текшириб кўради. Бу билан ўқитувчи талабаларнинг ҳалол ва виждонан ёндашганлигини ҳам баҳолайди. Натижалар тегишли тарзда расмийлаштирилади ва талабаларга ошкор этилади.

ХУЛОСА

Ушбу «Корхона хужжат алмашинув тизими учун «Архив» махлумотлар базасини яратиш мавзусидаги битирув малакавий иши Delphi дастурлаш тили ёрдамида яратилиб, асосий натижалари ва хулосалари куйидаги ҳолатлар билан ифодаланади. Жумладан, бунда куйидаги ўқув услубий ва амалий натижалар олинди:

- архивга янги махлумот киритиш яхни регистрация;
- рўйхатга олиш;
- киритилган махлумотларни ўзгартириш яхни бунда фойдаланувчи хато киритган бирор бир махлумотни тўғирлаш;
- керакли махлумотларни қидириб топиш;
- кераксиз махлумотларни базадан олиб ташлаш вазифаларини бажариш тахминланган;
- яратилган махлумотлар базасидан фойдаланиш йўриқномаси ишлаб чиқилди;
- «Архив» махлумотлар базасидан фойдаланишнинг иқтисодий самаралари ва унинг таннарни ҳисобланди;
- махлумотлар базасини яратиш жараёнида ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ҳолатлари ўрганилиб тахлил қилинди;
- методик қисмда ўқув жараёнининг ташкил этишда интерактив усуллардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, амалий дарс сценарийси ишлаб чиқилди.

Юқорида бажарилган вазифаларни авфзаллиги шундан иборатки, архив бўлимларидаги бажариладиган ишларни бир неча маротаба энгиллаштиришдир. Бунда бир нечта хужжатларни картотекалардан қидириш ўрнига яратилган махлумотлар базасидан фойдаланган қулайроқдир. Бу базани янада кенгайтирган ҳолда барча корхона ва ташкилотларни архив бўлимларига тавсия этиб ижобий натижа олиш муқаррардир. Бу билан бир нечта ишчи кучини камайтирган ҳолда, битта ишчи ҳам барча муаммоларни бартараф этиши мумкин. Хали хануз архивга иши тушган инсон иши битиши учун бир неча соат колаверса бир неча кун сарсон булиши турган гап. Мен яратган дастур ушбу камчиликларни қисман бўлсада ҳал қилади деган умиддаман.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Олий тахлим меҳерий хужжатлари,-Т.2001й.
2. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Т. 1997 й.
3. И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”, Т. “Ўзбекистон”, 2009 й.
4. С.С.Ғуломов, Р.Х.Алимов, Х.С.Лутфуллаев ва бошқалар «Ахборот тизимлари ва технологиялари» Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т. «Шарқ», 2000й.
5. С. Кузнецов Системқ управления базами даннқх. 02/97 г.
